

**Ботил ишга
гувоҳлик бериш
мўминликка хилоф**

**Муслмон Ўзбекистон
веб саҳифаси тайёрлаган**

Ботил ишга гувоҳлик бериш мўминликка хилоф

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا * وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا
بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخِرُّوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا *

"Улар ботил ишлар содир этилаётган ерда ҳозир бўлмайдиган, беҳуда гап ва амаллар устидан чиқиб қолганларида назокат билан ўтадиган, Раббиларининг оятлари эслатилган пайтда “кар” ва “кўр” бўлиб олмайдиган инсонлардир". (Фурқон сураси, 72, 73-оятлар)

Раҳмон исмли меҳрибон Раббимиз Ўзининг севимли бандалари сифатларини баён қилар экан, уларнинг каттаю кичик салбий кўринишлардан йироқ, пасткаш амаллардан холи, разил хулқлардан покиза, олийжаноб инсонлар эканликларини урғулайди.

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ – Раҳмоннинг суюкли бандалари **“ботил ишлар содир этилаётган ерда ҳозир бўлмайдиган”** инсонлардир. Муфассирлар бу оятдаги “зур” калимасига бир неча хил маъноларни берганлар. Имом Табарий бу борадаги барча фикрларни келтириб ўтганларидан сўнг бундай дейдилар: “Бу калима т аъвилидаги энг т ўғри сўз шуки, улар бот ил ишлардан биронт асининг уст ида – хоҳ у ширк бўлсин, хоҳ муסיқа, хоҳ ёлғон, хоҳ бошқаси бўлсин – ҳозир бўлмайдиган инсонлардир”.

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ жумласининг тафсирида Саъдий ёзадилар: “Улар “зур” яъни ҳаром қилинган сўз ва ҳаром иш уст ида ҳозир бўлмайдилар. Ҳаром қилинган сўзлар ёки ишларни ўз ичига олган ҳар қандай мажлисдан узоқ бўладилар. Аллоҳнинг оят ларига жоҳиллик билан шўнғиш, бот ил т орт ишувларга берилиш, ғийбат қилиш, чақимчилик, сўкиш, бировни бадном қилиш, масхаралаш, ҳаром ашула, ароқхўрлик, ипак т ўшак, сурат ва ҳоказо нарсалардан узоқ бўладилар. Агар улар бот ил ишлар уст ида ҳозир бўлмас эканлар, бот ил иш қилиш ёки бот ил сўз айт ишдан ҳам албат т а ҳазар қилишлари аниқ. Ёлғон гувоҳлик бериш ҳам бот ил сўзнинг доирасига киради, шундан ушбу оят нинг ҳукми биринчи галда унга ҳам т ааллуқлидир”.

Ибн Касир وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ иборасига бундай шарҳ берадилар: “Улар ёлғон гувоҳлик беришга (شهادة الزور – “шаҳодатуз-зур”) ҳозир бўлмайдилар. “Зур” бу ўзидан бошқанинг зарарига қасддан ёлғон гапиришдир. Саҳиҳайнда келадики, Абу Бакрадан ривоят қилинади, у киши айт ади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Мен сизларга кат т а гуноҳларнинг энг кат т асини айт иб берайми?” Биз: “Ҳа ё Расулulloҳ”, дедик. У киши: “Аллоҳга ширк келт ириш, от а-онага оқ бўлиш”, дедилар. Ёнбошлаб ёт ган эдилар, ўт ириб олдилар. Сўнг айт дилар: “Огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш!” У киши шу сўзни т ўхт амай т акрорлай бошладилар. Ҳат т о биз “Қанийди т ўхт асалар”, деб қолдик.

Бу ҳадис ёлғон гувоҳликнинг нақадар ёмон эканини англатади. Шу билан бирга ушбу ҳадис ва юқоридаги оятдан рост гувоҳлик бериш йўли билан, гўёки ҳақиқатни айтаётган бўлиб, бировга қасддан зарар етказиш ҳам ботил иш экани маълум бўлади. Рост, аммо бир инсоннинг душманига етиб борадиган сўзни гапириш шубҳасиз “шаҳодатуз-зур”дир. Табарийнинг *لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ* иборасига берган маъноларига қараладиган бўлса, бу оят ёлғон гувоҳлик беришни ҳам, ундан бошқа ботил ишларни ҳам ҳаром қилади. Аллома Саъдий ҳам ғийбат, чақимчилик ва бировни бадном қилишни шу оят билан қараладилар. Чақимчи албатта рост сўзлайди, аммо унинг қилаётган иши ботил, гуноҳи кабира эканига шубҳа йўқ.

وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا – Раҳмоннинг бандалари **“беҳуда гап ва амаллар устидан чиқиб қолганларида назокат билан ўтадиган”** инсонлардир. Агар улар ҳеч бир яхшилиги бўлмаган, динга ҳам, дунёга ҳам фойдаси йўқ, беҳуда сўзлар айт илаёт ган ердан, масалан жоҳилларнинг олдидан ўт иб қолсалар, ўзларининг ҳурмат ларини сақлайдилар, уларнинг сўзига араллашиб кет ишдан т ийиладилар. Агар уларнинг суҳбат ига қўшилиб кет ишда бирор гуноҳ кўрмасалар ҳам, бу иш ақлли инсоннинг иши бўлмайди. Олийжаноблик, назокат ва жиддийликка хилоф бўлади. Шунинг учун бундай ишлардан ўзларини эҳт иёт қиладилар”.

Табарий ёзадилар: “Менинг назаримда бу жумла хусусидаги энг т ўғри сўз шуки, ...агар улар бот ил ишларнинг уст идан чиқиб қолсалар, эшит салар ёки кўрсалар, бу ишларнинг баъзисидан ўзларини узоқ т ут иб, масалан, мусиқа-ашула бўлса, уни эшит масдан ўт иб кет адилар. Баъзи ўринда эса жоҳиллардан юз ўгириб, кечириб кет адилар. Бу улардан хунук гап эшит иб қолганларидаги ҳолат . Баъзи пайт ларда эса масалан, мункар ишни кўрсалар, уни агар сўз билан қайт ариш мумкин бўлса, қайт арадилар. Баъзи ҳолат да эса мункарни қилич солиб бўлса ҳам т ўхт ат адилар. Бу масалан, бир қавм бошқасини қароқчилик билан т алаёт гандаги ҳолат . Бунақа пайт да улардан кимдир ёрдам сўраса, уни ҳимоя қилиб, ёрдам берадилар. Мана шу айт илганларнинг барчаси уларнинг назокат билан ўт ишлари бўлади”.

وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخْرُوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا – Улар қулоқ солишга, эргашишга буюрилган **“Раббиларининг оятлари эслатилган пайтда “кар” ва “кўр” бўлиб олмайдиган”**, яъни оят лардан юз ўгирмайдиган, эшит магандек бўлиб кет авермайдиган, назарлари ва қалбларини т ескари қилиб олмайдиган инсонлардир. Бундай қилиш оят ларга иймон келт ирмаган, уларни т асдиқламаган кимсаларнинг одат идир. Оят лар эслат илганда, ўқилганда Раҳмоннинг бандалари т ушадиган ҳолат эса мана бу оят да айт илгани кабидир: **“Бизнинг оятларимизга фақат шундай инсонлар иймон келтирадиларки, оятлар эслатилганда улар Раббиларига тасбеҳлар айтиб, саждага йиқиладилар. Улар ҳеч кибр қилмайдилар”**. (Сажда сураси, 15-оят). (Саъдий).

Аллоҳнинг каломидан ҳосил қилинадиган хулосалар:

1. Аллоҳ яхши кўрадиган инсонлар ёлғон гувоҳлик бермайдилар, бировга тухмат қилмайдилар. Ғийбат бўладиган, одамлар масхара қилинадиган, ҳаром ишлар содир этиладиган жойларга бормайдилар. “Рост гапириб”, чақимчилик қилмайдилар.

2. Чин мўминлар беҳуда ишлар бўлаётган ёки жоҳиллар суҳбат қилаётган ердан ўтиб қолган пайтларида ўзларининг ҳурматларини сақлаб, улардан узоқроқ ўтадилар. Уларнинг озорларига сабр қиладилар. Шароитга қараб, жоҳилларга мулойимлик билан насиҳат қиладилар, тоқатлари етганча мункари ишларни рад этадилар.

3. Раҳмоннинг бандалари Қуръон оятлари ўқилганда, унинг маънолари айтилганда ўзларини камтар ва ҳокисор тутадилар. Қуръони каримда келган, уларнинг нафсларига ёқмайдиган, камчиликларини кўрсатадиган оятларни ҳам мутакаббирлик қилмасдан қабул қиладилар.